

# ДАВЛАТ АҲАМИЯТИДАГИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ САКЛАШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА

ШАРТНОМА № 11Д/С

Бухоро шаҳри

“ 31 ” январ 2022 йил

Бизлар, “Бухоро вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси” номидан, бошқарма Низоми асосида иш юритувчи, бош бошқарма бошлиғи Ш.М. Абдуллоев бир томондан, (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади), “Жондор туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси” номидан корхона устави асосида иш юритувчи корхона директори Б.Шомуродов иккинчи томондан, (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади), аниқ манзили ва йўл ишлари рўйхатида тасдиқланган 159 км узунликдаги умумий фойдаланишдаги давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлаш ишларини ташкил қилиш бўйича ушбу пудрат шартномасини туздик.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 “Пудратчи” мазкур шартнома шартлари бўйича ўзига бириктирилган умумий узунлиги 159 км бўлган умумий фойдаланишдаги давлат аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўллари ва ушбу йўллардаги йўл иншоотларини сақлаш ишлари бўйича шартномага кўрсатилган муддат давомида доимий равишда хизмат кўрсатади.

1.2 Ўзбекистон Республикаси “Автомобиль йўллари туғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига асосан “Пудратчи” га бириктирилган автомобиль йўллари, йўлдаги иншоотлар, жиҳозлар ва мол-мулклар “Пудратчи” нинг ихтиёрида бўлади.

## II. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1 Шартнома баҳоси “Пудратчи”нинг 2022 йил 1- чоракда тасдиқланган йўл ишларига ажратилган харажалар сметасига асосан 467 721 000 (тўрт юз олтмиш етти миллион етти юз йигирма бир минг) сўмни ташкил этади. Шартномага сақлаш ишлари бўйича йўл ишлари рўйхати (харажатлар сметаси) илова қилиниб, булар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

## III. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ.

3.1 “Буюртмачи” Ғазначилик бошқармаси орқали “Пудратчи”га шартноманинг 2-бўлимида кўрсатилган маблағни мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган харажатлар сметаси ва тўлов жадвалига мувофиқ тўлаб боради.

3.2 “Буюртмачи” “Пудратчи”га сақлаш ишларини бошлаш учун ойлик режанинг 40 фоизи миқдорида олдиндан аванс (бўнак) маблағи тўлайди, қолган сумма харажатлар сметаси асосида бажарилган ишлар “Буюртмачи” томонидан қабул қилиб олиниб, бажарилишини тасдиқловчи ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилингандан кейин тўлаб берилади (ойма-ой харажатлар тасдиқланган харажатлар сметасидан ошишига йўл қўйилмайди).

3.3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан тегишли ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар асосида бажарилган ишлар учун тўловлар амалга оширилмайди.

3.4 Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш ишларини молиялаштиришга ажратилган маблағлар белгиланган мақсадга эга бўлади ва тегишли автомобиль йўлларини сақлаш ишлари билан боғлиқ бўлмайдиган эҳтиёжлар учун олиб қўйилмайди ёки сарфланмайди. (Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

## IV. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

4.1 “Пудратчи” ушбу шартномага мувофиқ сақлаш ишларини ҳар ойнинг 25-санасигача бажариб, бажарилган ишларни тўловга тақдим этади.

4.2 “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишлар учун шартноманинг 3 2-бандига асосан аванс маблағларини жорий ойнинг 15-санасигача бажарилган ишлар учун бажарилишини тасдиқловчи ҳужжатлар тўлиқ тақдим қилингандан кейин 5 кун ичида тўлаб беради.

4.3 Шартноманинг амал қилиш муддати :

2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет тизими бюджетларининг Ғазна ижроси қоидаларига” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан, шартнома тегишли тартибда Ғазначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ва 2022 йил 5 январдан тарафлар ўртасидаги бошланган муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади.

4.4. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан берилади.

## V. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1 Пудратчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари :

5.1.1. Ўз кучи маблағлари ҳисобидан ишларнинг календарь режасига белгиланган ҳажмда, муддатларда ва сифатли қилиб барча ишларни бажариш ва “Буюртмачи”га лойиха-смета ҳужжатларига мос келадиган ҳолатдаги ишларни камчиликларсиз топшириш;

5.1.2. Ўзига бириктирилган автомобиль йўллари ва улардаги иншоотларни, йўл жиҳозларини асраш, таъмирлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда йўл хизмати кўрсатиш.

5.1.3. Йўлларни сақлаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси “Автомобиль йўллари туғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 ноябрдаги 226-сонли қарори билан тасдиқланган ва 2011 йил 31 декабрдаги 352-сонли қарори билан тўлдирилган «Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш ишлари ТАСНИФИ»га ҳамда тизимдаги йўл корхоналарининг

“Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари қўмитаси” олдидаги мажбуриятлари тўғрисидаги ижро ҳужжатларига қатъий риоя қилиш;

5.1.4. Йўл минтақасидан самарали фойдаланиш ва уни амалдаги қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ равишда сақлаш;

5.1.5. Сақлаш ишларини бажариш даврида техника хавфсизлиги, атроф муҳитни, йўл минтақасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш;

5.1.6. Йўлларда бажарилиши зарур бўлган ишлар бажарилмаслиги ёки етарли даражада бажарилмаслиги натижасида келиб чиққан оқибатлар учун “Пудратчи” тўла жавоб беради.

5.1.7. Бажарилган сақлаш ишлари “Буюртмачи”га топширилгунга қадар бажарилган ишларнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши “Пудратчи”нинг зиммасида бўлади.

5.1.8. “Пудратчи” ўзи хизмат кўрсатаётган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини транспорт воситаларининг узлуксиз ва хавф-хатарсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган соз ҳолатда сақланиши учун жавобгардир. Автомобиль йўлининг тегишли бўлагиди (йўл шароити билан боғлиқ) йўл-транспорт ҳодисаларини расмийлаштиришда вакил сифатида иштирок этади.

5.1.9. Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуннинг 21-22-моддаларига асосан йўл минтақасида йўл ишлари билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ишларни амалга ошириш “Буюртмачи” билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

5.2.1. Шартномада белгиланган микдорда ва муддатда бажарилган сақлаш ишлари учун харажалар сметасига асосан “Пудратчи”га ҳақ тўлаш;

5.2.3. “Пудратчи” томонидан бажарилган сақлаш ишларини ҳар ойнинг 25-санасигача қабул қилиб олиш.

5.2.4. Шартноманинг II-бўлимига ва илова қилинадиган харажатлар сметасига мувофиқ режалаштирилган маблағлар “Пудратчи” томонидан ўз вақтида ўзлаштирилмаса ўзлаштирилмай қолган маблағни “Буюртмачи” қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

5.2.5 “Пудратчи” томонидан бажарилиши лозим бўлган сақлаш ишларини исталган вақтда назорат қилиш ва аниқланган камчиликлар бўйича далолатнома тузиш.

## **VI. БАЖАРИЛГАН САҚЛАШ ИШЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

6.1.1. “Пудратчи” сақлаш ишларини томонлар ўзаро келишиб тасдиқлаган харажатлар сметаси, лойиҳа смета ҳужжатларига мувофиқ равишда ташкил этади.

6.1.2. Алоҳида маъсулиятга эга конструкциялар ва яширин ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 3 кун олдин “Пудратчи” “Буюртмачи”ни ҳабардор қилади.

Агар яширин ишлар “Буюртмачи”нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки кечикиб ҳабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича “Пудратчи” яширин ишларнинг қисмини ўз ҳисобидан очишга, уни қайта тиклашга мажбурдир.

6.1.3. Агар “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда “Пудратчи” ўз кучи билан “Буюртмачи” белгиланган муддатда сифатсиз бажарилган ишларни қайта бажаришга мажбурдир.

6.1.4. Ишлар бошланган пайтдан улар тугаллангунга қадар “Пудратчи” ишларни бажариш дафтарини юритади, дафтарда бутун ишларнинг бориши акс эттирилади.

6.1.5. Сифатсиз бажарилган иш ҳажми “Пудратчи”дан қабул қилиб олинмайди.

6.1.6. Буюртмачи бажарилган сақлаш ишларини қабул қилиб олиш учун ўз вакилини буйруқ асосида тайинлайди. У “Буюртмачи”нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Бажарилган ишлар учун фойдаланилган материаллар сифати “Пудратчи” зиммасида бўлади.

6.1.7. Техник назоратчи ёки “Буюртмачи” томонидан тузилган комиссия ишлар бажарилишининг олиб борилиши ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўлиқ танишиш ҳуқуқига эгадир.

6.1.8. “Пудратчи” назоратчини бажарилган ишларни қабул қилиб олиши ва иш жойига бориб келиши учун транспорт воситаси билан таъминлайди.

6.1.9. Назоратчи “Пудратчи” томонидан автомобиль йўллари ҳолати бўйича ишларни амалга ошириш жараёнида пайдо бўладиган масалаларни ҳал қилиш учун техник Кенгашга таклиф киритади, йиғилишларда мунтазам қатнашади.

6.1.10. Инспекция назорати олиб бориш ва ишларни қабул қилишда “Пудратчи”га тобе бўлмаган ихтисослашган ташкилотни жалб қилган ҳолда тегишли ўлчов текширувларини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Мазкур текширувлар ва лаборатория ҳулосалари учун “Пудратчи” томонидан ҳақ тўланади.

## **VII. ФОРС-МАЖОР.**

7.1. Тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафларнинг бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. (Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, харбий ҳаракатлар киради).

7.2. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб булмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим. Агар енгиб булмас куч ҳолатлари узлуксиз 2 ой давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

### **VIII. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

8.1. “Буюртмачи” ушбу шартноманинг 3-бўлимида кўрсатилган мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганида “Пудратчи”га кечиктирилган сумманинг кунига 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, ammo пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

8.2. “Пудратчи” мазкур шартнома шартларига мувофиқ зиммасига олган мажбуриятларни ўз вақтида бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда “Буюртмачи”га кунига бажарилмаган ёки сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, ammo пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеняни ҳисоблаш учун бажарилмаган ёки сифатсиз бажарилган ишлар далолатномаси асос бўлиб ҳисобланади ҳамда техник назоратчиларнинг билдиргиси ва маълумотномасига асосан кейинги бажарилиши лозим бўлган ишлар суммасидан чегириб қолинади.

8.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган низоли масалалар томонларнинг ўзаро келишувлари асосида, агар бундай келишувнинг имкони бўлмаса бу низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва уларга мувофиқ равишда қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида иктисодий судларига мурожат қилиш йўли орқали ҳал этилади.

### **IX. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ЎЗГАРТИРИШ ТАРТИБИ.**

9.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

9.3. “Буюртмачи” қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати “Пудратчи”нинг айби билан узлуксизлиги кетма-кет икки ой таъминланмаганда, “Пудратчи” томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- “Пудратчи” томонидан қурилиш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати меъёр талабларига жавоб бермаганида;
- “Пудратчи”нинг шартнома шартларини бузиши оқибатида лойихада назарда тутилган ишлар сифати пасайганда;

- “Пудратчи”нинг шартнома шартларини тўлиқ бажариш имконияти йўқлиги ҳолати мавжуд бўлса.

9.4. “Пудратчи” қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- “Пудратчи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра таъмирлаш ишлари “Буюртмачи” томонидан икки ойдан ошиқ муддатга молиялаштириш тўхтатилса;
- “Буюртмачи” бажарилган ишларни молиялаштириш имкониятини йўқотган бўлса.

9.5. Шартнома бекор қилинганда “Буюртмачи” ва “Пудратчи”нинг биргаликдаги келишувига мувофиқ тугалланмаган таъмирлаш ишлари “Буюртмачи”га топширилади ва у биргаликда келишилган ҳажмда бажарилган ишлар қийматини “Пудратчи”га тўлаши лозим.

9.6. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш қарорига келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт. Билдиришномани олган тараф 5 кунлик муддат ичида унга нисбатан ўзининг жавобини қайтариши лозим. Ушбу белгиланган муддатда жавоб қайтарилмаганда иккинчи тараф шартномани муддатидан олдин бекор қилишга рози эканлиги эътироф этилади ва шартномавий муносабатлар тугатилади. Шартнома 9.3 ва 9.4-бандларда кўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатидан олдин бекор қилинганда иккинчи тараф бу ҳақида билдиришномани олган вақтдан бошлаб шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

### **X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛГОҲЛАРИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ**

«Буюртмачи»

Бухоро вилояти автомобиль йўллари  
худудий бош бошқармаси

«Пудратчи»

Жондор ТЙФУК

Манзил: Бухоро ш. Гиждувон куча 272 уй  
Телефон :228-50-03  
Ш х/р 304510860064017045162118001  
Бюджетдан маблаг олувчи СТИР 201188890  
ОКОНХ 97400

Газначилик булинмаси номи:

Бухоро Вилоят Газначилик бошқармаси

Газна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи: Ўзбекистон ш. Марказий банк

ХҲКА МФО 00014

Газначилик булинмаси СТИР 201122919

Бош бошқарма  
болинми

Ш.М. Абдуллоев

Юрист:

Х. Шаропов

Манзил: Жондор туман Пулоти кучаси

Телефон: 58-21-481

х/р: 22626000600414423001

банк: Ипотека банк Сардор фил.

МФО: 00119, ИНН: 201808324

ОКОНХ: 61129

Директор:

Б.Шомуродов

Юрист:

Х. Муродов

"ТАСЛИКЛАЙМАН"

Жондор ТИФУК директори  
Б. Шомуродов  
2022 йил



"КЕЛИШИЛМУНДЛАШТИРИЛГАН" ДАВЛАТ РАЙОНЛАРИ ИЖТИМОИЙ ЗАМОНАВИЙ ИСТИҚОЛЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ДИРЕКТОРАТИ  
Бухоро вилояти ИИХБ директори  
Ш. Абдуғаниев  
2022 йил

Жондор ТИФУК давлат ағамиятдаги автомобил йулларини саклаш ишлари учун 2022 йил 1-чоракда қилинадиган харолатлар  
МАНЗИЛ РИЙХАТИ

Йул рақами	Йулнинг номи	2022-йил режаси, (миле сун)	2022-йил шўжумлади 1-чорак			
			Жанв	Феврал	Март	Март
			Жанв	Феврал	Март	Март
1	4р48 "Зарафшон тракти" 347-380 км	84 000,000	28 000,000	28 000,000	28 000,000	
2	4р48 в "4р48 "Зарафшон тракти" а/йулидан Жондор шаҳрига шахобча" 0-5 км	4 500,000	1 500,000	1 500,000	1 500,000	
3	4р58 м М-37 "Самарқанд-Ашқобод" а/й йулидан Жондор шга шахобча 0-6 км	15 600,000	5 200,000	5 200,000	5 200,000	
4	4р72 "Далмун-к-Кизибий к-Чортук к-А-380 "Гузур-Бухоро-Нукус-Бейнеу" а/йули 9-31 км	36 000,000	12 000,000	12 000,000	12 000,000	
5	4р72 А "Далмун-к-Кизибий к-Чортук к-А-380 "Гузур-Бухоро-Нукус-Бейнеу" а/йули Варахша тарихий шахарчасига 0-8 км	12 000,000	4 000,000	4 000,000	4 000,000	
6	4р75 "А-380 "Гузур-Бухоро-Нукус-Бейнеу" а/йули - Варахша к-Мохонкул даҳаси-Коракул ш 30-60 км	15 000,000	5 000,000	5 000,000	5 000,000	
7	4р224 Жондор ш ча -Мусхор к -Жингон к-4Р 75а/йули. 0-14 км	25 500,000	8 500,000	8 500,000	8 500,000	
8	4р225 Янгиқорбоғ к -Мохонкул даҳаси 0-26 км	33 000,000	11 000,000	11 000,000	11 000,000	
9	4р225 А Янгиқорбоғ к -Мохонкул даҳаси М-37 "Самарқанд-Ашқобод а/йдан шахобча йул 0-9 км	9 000,000	3 000,000	3 000,000	3 000,000	
10	4р225 Б Янгиқорбоғ к -Мохонкул даҳаси 4р75 а/йдан шахобча йул. 0-6 км	3 067,000	1 022,000	1 022,000	1 023,000	
11	Милитарий-баниқарув хўдаларини саклаш	237 667,000	79 222,0	79 222,0	79 223,0	
	Ж а м м :	230 054,000	76 685,000	76 685,000	76 684,000	
	Ж а м м :	467 721,0	155 907,0	155 907,0	155 907,0	

Жондор ТИФУК бош муҳандиси:

ИЧТ булим бошлиги

Бош хисобчи

109-сон йул булим бошлиги

Б Саноев

И.Рузиев

Х.Сайидов

И.Хамидов